

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ – ОДАМЛАР КАЙФИЯТИ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда вилоятимизнинг чекка қишлоқларида ҳам аҳолига замонавий ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча чоралар кўриляпти.

### Тиббиёт

Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманидаги 57-оилавий поликлиникани ҳам ана шунга интилаётган намунали тиббиёт масканларидан, дейиш мумкин. Бу ерда 27 минг аҳолига хизмат кўрсатилади. Каттаю кичикнинг соғлиғи учун 11 шифокор ва 55 нафар тиббиёт ходимлари жон куйдиришмоқда. Муассаса замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Физиотерапия, акушер-гинекология, муолажа ва таҳлил хоналари аҳоли хизматида. Яқинда тез тиббий ёрдам хизмати учун "Дамас" автомобили харид қилинди. Бу беморларнинг чақирувига вақтида етиб бориш имконини оширди.

Шифокорлар мени тўлиқ текширувдан ўтказиб, қўшимча тавсиялар ёзиб беришгани, дейди "Ўртасарой" маҳалласида яшовчи Тохир Муҳаммаджонов. Инсултан кейинги ҳолатим анча яхшиланди. Эътибор ва ғамхўрлик учун уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.



### Давра суҳбати

Чиноз туманида Президентимизнинг 2017 йил 13 июнь кунини суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида "Конун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарт" мавзусида сўзлаган маърузасини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

## ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутatlари, Адвокатлар палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, партия туман кенгаши, туман ҳокимлиги, Маъмурий ишлар бўйича Тошкент вилояти суди, Жиноят ишлари бўйича туман суди судьялари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

ташкил этиш орқали фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Судья ва ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, уларнинг фаолиятини қонун ва адолат талаблари асосида самарали ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш партия депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, дейди партия вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи У. Шоумаров. Хар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда ҳар ой камида бир марта очик мулоқот ташкил этиш, маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлислари ўтказишни йўлга қўйиш тизимининг очиклигини таъминлаш билан бирга, аҳолининг суд тизимига, адолатта, давлатга ишончини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суд қарорлари ихросини сўзсиз таъминловчи идоралараро электрон маълумот алмашиш тизимини шакллантириш борасида фикр алмашилди.

А. МУСАЕВ, ЎЗА мухбири.

### Диодли лампалар:

## ТЕЖАМКОР, СИФАТЛИ ВА ЁРУҒ

"Эшитдингизми, электр токини тежайдиган замонавий лампалар энди ўзимизнинг Ангрэнда ҳам ишлаб чиқарилаётган экан. Улар кўп электр токи сарфламасдан узоқ муддат ишларкан..."



Ангрэннинг "Янги Кўчбулоқ" маҳалласида яшовчи Карим Болтабоев бу хушxabарни ён қўшнисига айтиб, суюнчи олганига ҳам тўрт йил бўлди. Бу орада Ангрэн маҳсули индустриал зонасида "EGL-NUR" Ўзбекистон ва Жанубий Корея қўшма корхонаси қад ростлади. Бугун маҳсулотлари жадаллик билан харидоригир бўлиб бораётган мақкур корхона икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг навбатдаги самараси, дейиш мумкин. Кореянинг "Bookwang Electronics Co., LTD" ва Ўзбекистоннинг "Янги Ангрэн ИЭС" жамияти муассислигидаги корхонада илгор технологиялар асосида кўча ва биноларни ёритиш, саноатда фойдаланиладиган энергия тежовчи диодли лампалар ва ёритгичлар ишлаб чиқарилади. Мутахассисларнинг билдиришича, улар ҳар қандай иклим шароитига чидамли, халқаро стандартларга мос, экологик жиҳатдан хавфсиз, энг муҳими, инсон саломатлиги учун мутлақо зарарсиз. Диодли лампалар ўзидан ультрабинафша ва инфра-

қизил нурлари таратмайди. Шу сабабли, бозорда уларга талаб юқори. Корхона маҳсулотларидан ҳозир кўчаларимизни ёритишда кенг фойдаланилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 26 майдаги "2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши нафақат электр энергиясидан самарали фойдаланиш, балки маҳаллий корхоналарда энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Корхона тўлиқ қувватда ойига 200 минг донга замонавий диодли лампа ва 1000 донга маҳсулот ёритгич ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 2015 йилда 174 минг донга маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 300 мингтани ташкил қилди.

Давоми 2-бетда. ➡

## КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

"Дўрмон" маданият саройида умумий ўрта таълим муассасаларида 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимига ўтишни танқидий-таҳлилий ўрганувчи ҳудудий ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

### Бугуннинг гапи

Тадбирда 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимига изчиллик билан ўтишни таъминлаш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ечимни юзасидан аниқ манзилли тақлифлар тайёрлаш масалалари кўтарилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ботир Ходжаев ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов қатнашди.

Йиғилишда ишчи гуруҳ аъзоларига мактабларда 9-синф битирувчиларнинг ота-оналари иштирокида мулоқот ўтказиш, 11 йиллик мажбурий ўрта таълимга ўтишнинг зарурати, аҳамияти ҳақида батаф-

қаларни ўрганиб, намунали шакл асосида паспорт тайёрлайди. Хар бир туманда мактаблар кесимида сўронома натижалари ва мактаб паспортидидаги маълумотлар умумлаштирувчи жадалда жамланди.

Ҳудудларда умумий ўрта таълим мактабларида 11 йиллик мажбурий таълимга ўтиш билан боғлиқ мавжуд муаммолар, яъни биноларнинг қувватига нисбатан ўқувчилар сифими, педагог кадрлар ва дарсликлар-



га бўлган эҳтиёж, келгуси 3 йилда муассасаларда қўшимча бино қуриш юзасидан таҳлилий ва аниқ тақлифлар тайёрланади, дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Намоз Рўзиқулов.

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.



Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернет-даги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишишингиз мумкин.

### Бу ҳақда «Ҳокимлик соати»да гапирилган эди

Жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ижодий гуруҳимиз билан Чирчиқ шаҳрида бўлди. Ишни унча узоқдан бошлашга ҳожат қолмади. Шаҳар ҳокимлигининг яқинида талайгина кўп қаватли уйлар қад ростлаган экан. Истиқбол кўчасидаги 16-кўп қаватли уйнинг олдидаимиз. Бизга айтишларича, бу уйга ширкат хизмат кўрсатмас экан.

Илгари уйимиз ширкатга бириктирилган эди, дейди Ваҳид Кафаров. Лекин ҳеч қандай наф кўрмадик. Биз фақат ширкатни боқдик. Ишлар ўлда-жўлда эди. Мана, ҳозир эса, уйимиз учун нима зарур бўлса, қўшнилар биргалашиб, ўзимиз ҳаракат қилаёلمиз. Пули-

миз қаерга кетаётганини биламиз. Тўғри, ҳозирча уйимизни капитал таъмирлашга кучимиз етмайди. Қанийди, тайинли бир ширкат тузилиб, оғиримизни енгил қилса. Атрофни қузатамиз. Бу ерда қачон ҳашар ёки шанбалик бўлганини таҳмин қилиш қийин. Саба-

## УЙЛАР ҲАМ, МУАММОЛАР ҲАМ «КўП ҚАВАТЛИ»

би, ариқлар тозаланмаган, бегона ўтлар тарвақайлаб ўсиб ётибди. У ер-бу ерда ахлат уюмлари кўзга ташланмади. Атрофда қуриган дарахтлар хунук манзара ҳосил қилган.

Бу дарахтларни ўзимизча кеса олмаймиз, тегишли ташкилотдан рухсат олиб, хат-ҳужжат қилиш керак экан, деди 1-хонадон бекаси Анна Павловская. Кесиб ташласак, жаримага тортишлари аниқ. Кимга керак бу бош оғрик? Шуни келиб, ўзлари кесишса

### Маънавият

Инсон бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Аслини олиб қараганда, тириклик, бу ёруғ олам неъматларидан баҳраманд бўлиб, умргузаронлик қилишнинг ўзи улкан бахт. Аммо, бахт тушунчасини хар ким ўз тафаккури даражасида идрок этади. Ким учундир маънавий бойлик – бахт, ким учун эса мол-давлат, ҳою-ҳавас, дабдаба-ю асаса – бахт. Маънавий бой кишилар қалби эзгуликка эш бўлиб, ўзгаларга яхшилик истаб, ҳамийша шукроналик билан яшайди.

## ҲАЁТ ҒЎЗАЛ, ЯШАМОҚ БАХТ

Мухтарам Президентимиз бошчилигидаги улкан бунёдкорлик ишлари, энг аввало, эл-юрт тинчлиги, фаровон турмуши, оилалар бахту саодати, ёшлар камоли, порлоқ келажаги йўлида амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг хар бир Фармон, фармойишу қарорлари замирида ҳам мана шундай эзгу ният, хайрли мақсад мужассам. Аммо, бу каби юксак эътибор, кенг имконияту қулайликларнинг қадрига етиш хар кимнинг савияси, маънавий оламига боғлиқ. Бу борада энг аввал оила, маҳалла, таълим-тарбия муассасала-

рининг алоҳида ўрни ва ролини таъкидлаш зарур. Хар томонлама соғлом, маънавийли, маданиятли оилада тарбия топиб, шаклланган ёшлар ҳаётга жиддий муносабатда бўлиб, унинг хар лаҳзасини қадрайди, Аллоҳ томонидан ато этилган умрни олий саодат, деб билади. Аксинча, нотинч оила, но-соғлом муҳит туфайли тарбияда узилиш, маънавий кемтиклик рўй беради. Ўзини оиласи, яқинлари, ҳатто, жамиятга кераксиз, деб ўйлайдиган кимсаларда ҳаётдан беши ҳолатлари юз бериши жуда ачинарли.

Давоми 2-бетда. ➡

## ЁШЛАР УЧУН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Аввал хабар қилганимиздек, вилоятимиз бўйлаб "Фидойинг бўлгаймиз, сени Ўзбекистон!" шiori остида тарғибот тадбирлари ўтмоқда. "Нима қилдик Ватан учун!" ҳамда "Жаҳолатга қарши – маърифат" мавзуларидаги анжуманлар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, маданият, халқ таълими, мудофаа, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, ёзувчилар уюшмаси, маънавий тарғибот маркази бўлимлари ҳамда ҳудудий ҳокимликлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлар моҳиятига бағишланган анжуман Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида бўлиб ўтди.

Бундай тадбирлар ёшлар билан юқори ташкилотлар раҳбарлари ўртасида ўзаро мулоқот майдонини яратди, дейди тумандаги агротижорат касб-хунар коллежи ўқитувчиси Мафтуна Қурбонова. Биз ўзимизни ўйлантирган муаммоларни ўртага ташлаб, унинг ечимни бўйича етарлича жавоб олдик.

Мухлиса Шавкатова 45-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. У учрашувга дорихоналарда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга қандай дорилар бепул берилиши ҳақидаги саволини тайёрлаб келган экан. Тегишли ташкилот раҳбари ўқувчи қизнинг саволига батафсил жавоб берди.

Эслатиб ўтаимиз, бундай тарғибот тадбирлари таълим муассасалари, маданият ва санъат


масканлари, марказий майдон ва ўйингоҳлар, меҳрибонлик ва муруват уйлари, ҳарбий қисмлар, корхона ва ташкилотлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилмоқда. Шунингдек, вилоятнинг чекка, чегара ҳудудларида ҳам ташкил этилишига эътибор қаратиляпти.

Тадбирлар давомида тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда бўлиб, муаммолари ўрганилади ва уларни ҳал этиш чоралари кўрилади, дейди Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Дониёр Каримов.

Шу билан бирга ёшларни бир ишнинг бошини тутуши, фойдали меҳнатга жалб қилиш чоралари кўрилади.

ЎЗ мухбири.

Давоми 2-бетда. ➡



дош-уруғ, дўст-ёрларни ҳам оқлаб бўлмайд...

аъзоларининг лоқайдлиги сабаб, дейиш мумкин. Демак, бу борада, айниқса, хотин-қизлар, маҳалла мас...

мусибатнинг сабабини бошқалардан қўришлари ҳам бор гап. Шу ўринда бир воқеани келтириш жоиз.

нига қасд қилган келинчакни оқламоқчи эмасмиз. Ахир, бизга берилган омонат жонга хиёнат қилиш кечирилмас гуноҳдир.

кинликларини ҳимоя қилиш, маънавий қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-маданий ҳаётда тўлақонли иш...

Солиқ идораларида Вилоят давлат солиқ бошқармаси жисмоний ва юридик шахсларни солиқ қонунчилигимиздаги янгилик ва ўзгаришлардан хабардор этиш, иш сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган вақт мобайнида соҳага оид тегишли хужжатларга асосан, солиқ бўйича бир қатор энгиллик ва имтиёзлар яратилди, илгари берилган бундай имкониятлар мuddати узайтирилди.

Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда республика мида автомобиль санаотини янада ривожлантириш мақсадида берилган солиқ имтиёзларининг мuddати 2020 йил 1 январгача татбиқ этиладиган бўлди.

Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда республика мида автомобиль санаотини янада ривожлантириш мақсадида берилган солиқ имтиёзларининг мuddати 2020 йилгача, оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва нашриётлар учун яратилган солиқ имтиёзлари 2019 йил 1 январгача узайтирилди.

Бу каби имтиёзлар соҳалар ривожига, демакки, янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошишига хизмат қилади.

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, худудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, улар қиёфасини ўзгартириш ва ободонлаштириш, энг асосийси, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш каби мақсадларга сарфланади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мухтассиси Лобар Азаматованинг айтишича, бугунги кунда аксарият юртдошларимиз бу масала моҳиятини чуқур англаб, солиқларни ўз вақтида тўламоқда.

Холмурод САЛИМОВ, Тошкент ҳақиқати мухбири.

ҲАЁТ ГЎЗАЛ, ЯШАМОҚ БАХТ

тиб, таъкидлаб ўтишга мажбурмиз.

Агар 18 ёшгача бўлган ўсмир жонига қасд қилар экан, бунга, албатта, ота-она, маҳалла ёки таълим муассасаси ходимлари эътиборсизлиги, 30 ёшгача бўлганларнинг ўз ҳаётига бепишанд қарашига эса кўпроқ қайнона-келин, эр-хотин ёки жамоа

юриш-туриши, қизиқишларига беэътибор, боласи билан суҳбатлашиш, қалбига қўлоқ тутишга вақт топпайдиغان, ота-оналикни фақат уларга атаб молу дунё йиғиш, дабдабали тўйлар қилиш, ўзини кўрсатиб қўйиш, деб тушунадиганлар ҳам фурсат бой берилганда, "айбим нима?" дея надомат чекишлари,

қувв уни хўрлай бошлашди. Бундай муомалага чидай олмаган келин уйига кетиб қолади. Аммо, қизининг ҳолатига етарли эътибор бермай, ўз обрўсини ўйлаган ота-она уни яна қуввниқига кетишини талаб этиши натижасида, кўп ўтмай, фожиянинг устидан чиқишади...

Лекин, бу билан ёш жо...

нига қасд қилган келинчакни оқламоқчи эмасмиз. Ахир, бизга берилган омонат жонга хиёнат қилиш кечирилмас гуноҳдир.

Мақсад - хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эр...

Қадрли опа-сингиллар, азиз ёшлар! Тошкент вилояти ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси қошида муаммолари мавжуд, қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшлар учун «ИЖТИМОЙ МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ» (АНОНИМ) иш бошлаганини маълум қиламиз.

Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маънавий қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳавфи бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-маданий ҳаётда тўлақонли

иштирокини таъминлашга қўмаклашиш Марказнинг асосий мақсади ҳисобланади. Марказда ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача турмушининг чигал ва муаммолари вазиётларига тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшларнинг мурожаат қилишлари учун "Ишонч телефони" ташкил этилган.

Мурожаат қилувчининг шахсий маълумотлари сир сақланиши кафолатланади.

Унутманг, Сиз ҳамisha эътибор ва ардоғимиздасиз!

"Ижтимоий маслаҳат маркази"нинг ишонч телефони: 232-80-75.

Мурожаат қилувчининг шахсий маълумотлари сир сақланиши кафолатланади.

Унутманг, Сиз ҳамisha эътибор ва ардоғимиздасиз!

"Ижтимоий маслаҳат маркази"нинг ишонч телефони: 232-80-75.

Сайёра ФАЙЗИЕВА, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Жорий йилда 1 миллион дона маҳсулот чиқариш режалаштирилган. Бутловчи қисмларнинг аксарияти маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан олинади. Россия ва Қозоғистон билан экспорт бўйича ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда.

самарадорлиги эса 4-5 марта юқори. Яна бир гап. Корхона истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида бир дона лампа 2 йиллик кафолат билан сотмоқда. Уша даврда лампа ишдан чикса, янгисига алмаштириб берилди.

Қарор ва ихро

ХАРИДОР ТАЛАБИ – БОШ МЕЗОН

Президентимизнинг 2016 йил 15 сентябрдаги "2016-2020 йилларда чарм-пойабзал санаяти янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бундан кўндаланган асосий мақсад аҳолининг солиқ қонунчилигини янада яхшилаш бўйича муайян ишларни амалга оширишдир.

Бугун бу жараён бутунлай янги, замонавий технологиялар асосида, инсон соғлиғига зарарсиз амалга оширилади.

Корхона жамоаси бугун ривожланиш йўлига чиқиб олди. Қўллаб-қувватлаган чарм маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Тадбиркорликнинг асосий мезони - сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, харидор талаби асосида иш юритишдир.

Аҳил ва меҳнатсевар жамоа бу йил қатор ютуқларга эришмоқда. Республика "Ўзбекчарм" уюшмасига аъзо бўлишди ҳамда "Чарм маҳсулотлари" бўйича VI Халқаро кўргазмада иштирок этишди.

Мухтабар ҲАМИДОВА.

Диодли лампалар: ТЕЖАМКОР, СИФАТЛИ ВА ЁРУФ

ди шартномасини имзоладик. Энди ишлаб чиқариш ҳамми янада ортади, янги иш ўринлари яратилади.

ой ёки бир йилда қанча электр токи сарфланади? - Уйимизда диод лампалар ишлатамиз, - дейди янгиёуллик Назира Мирзаева. - Шунинг жирибига энергия сарфи бир неча баробар камайди. Илгари электр энергияга тўлаган пулимизнинг бир қисми энди ёнга қолаётти.

УЙЛАР ҲАМ, МУАММОЛАР ҲАМ «КЎП ҚАВАТЛИ»

Бир нарса қувонтирди. Кириш эшигига ҳашарларда фаол катнашганларда миннатдорчилик тарикасида уларнинг исми-шарифи киритилган рўйхат илиб қўйилар экан.

роғи, қачон сув пуркаганини ҳам эслаш олишмайди. Ёзининг ҳазирара кунларидега кишилар салқинлаб, хордиқ чиқариши учун соғлаб қўйиш мумкин-ку.

ишни яхши юритмаганидан кейин шу-да. Мисол учун, электр энергиядан ширкатнинг қарзи 21 миллион сўмга етибди.

қозонхонадан уйга тортиб келинган қувурлар таг-тути билан кесиб ташланган экан.



бўлсада, пинагини бузмайди. Маданият кўчаси, 11-уй, 10-хонадон эгаси Кудякова ўз қарзини 1 миллион 385 миң сўмга "етказиб олган". Шу уйнинг 8-хонадонда яшовчи Муродов эса 800 миң сўм қарзини қачон тўларкин?! Ажабо, қарздорлар рўйхатида етакчилик қиладиган бу фуқаролар тўловларни ўз вақтида тўлаш лозимлигини қачон тушуниб етишар экан?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган эҳтиёж кескин ўсиб бораётир. Бунинг охири сонининг қўлайлиги ва турмуш даражасининг юксалиши, турли маиший техника воситаларидан кенг фойдаланилаётгани ҳамда санаят ривожланиб, кўплаб янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Лампаларнинг тежамкорлиги сабаб юртимиздаги кўплаб завод, фабрикаларда ёки хусусий корхоналарда ҳам улардан фойдаланиш давр талабига айланди.

Болалар майдончаси ҳам хунуқ аҳволда. Ажрик, ўт-ўлан босган. Наҳотки, тайёр болалар майдончасини чиroyли ҳолатга келтириш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаса. Албатта, юқоридан бирон раҳбар келиб, шу муаммони ҳал қилиши керакми?

Худуддаги кўп қаватли уйлارга "Истиқлол" ширкатига хизмат кўрсатар экан. Ширкат раиси тўлиб турган эканими, бир дунё ташвишини тўкиб солди.



одам чақиртирганимизга уч ой бўлди. Ҳали келай, дейишмайди.

аниқки, худуддаги аҳоли иссиқлик таъминоти йўқлигидан йиллар давомида азият чекиб келмоқда.

Хуришда ТУРСУНБОЕВА, Тошкент ҳақиқати мухбири. А. АҲМЕДОВ олган суратлар.

Республика Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахслар муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида вилоят, туман ва шаҳарларда Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, изчил фаолият бошлаганига ҳамда жойларда муносабатлар якунига бағишлайди сайёр учрашувлар ўтказилаётганига ярим йил бўляпти. Мазкур қарорда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган муносабатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимини яратиш алоҳида таъкидланган.

Бирок, фуқароларнинг жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ва бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек, ҳўжалик бошқаруви органларига муносабат қилишга оид конституциявий ҳуқуқлари поймол қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари ҳам бузилаётгани боис аҳолининг Халқ қабулхоналарига муносабатининг кети узилмапти. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахслари халқ муносабатларига оид қўнларнинг талаб ва меъёрларини бузганлик учун, ҳатто жиноий

# МАСАЛАНИНГ ЕЧИМИ ОСОН УНДА НЕГА АҲОЛИ САРСОН?

Республика Президентининг вилоятдаги Халқ қабулхонасига тушаётган муносабатларнинг мавзу ва мазмуни, улар билан ишлаш тартиби ва якуний натижалари билан танишган кишида қониқ ҳосил бўлишдан ташқари, баъзи мулоҳазалар ҳам туғилади. Қониқ шундан иборатки, муносабатларда кўтарилган муаммо, камчилик ва нуқсонларнинг асосий қисми, аввало, жойида, тез ва имкон қадар ихобий ҳал этилаётти. Янада қувонарлиси, муносабатлар ижросига бағишланган жойларда уюштирилаётган сайёр қабуллардан деярли барча фуқаролар кўнгиллари тўлиб, миннатдор бўлиб қайтишяпти.

Бу яхши, албатта. Негаки, одамлар Халқ қабулхоналарига ишонишяпти, муаммолари ечим топишига умидлари кучайяпти. Лекин...

жавобгарликка тортишгача жазо чораси кўрилиши ҳақида қатъий оғохлангиларингиз. Қолаверса, мазкур Фармонда барча даражадаги Халқ қабулхоналари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходимлари мақомида экани алоҳида таъкидланган. Бу дегани, ҳудудий, яъни шаҳар ва туман даражасидаги камчилик, нуқсон ва муаммолар маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан жойида ҳал этилиши, Халқ қабулхоналарига эса фақат мамакат микросидаги, айтилган, махсус Давлат дастурларига киритилган жиддий муаммолар юзасидан муносабат қилиниши керак.

Афсуски, куйи бўғиллар раҳбарларининг лоқайдлиги, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашаётганлари оқибатида у даргоҳу бу даргоҳ орасида елиб-югуриб, сарсон-саргардон бўлаётган фуқаролар иложсизликдан Халқ қабулхоналарига бош уришга мажбур бўляптилар. Масалан, вилоят Халқ қабулхонаси мутасаддилари тахририятимизга тақдим этган маълумотлар фикримизни тасдиқлайди. Унда келтирилишича, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ишга қўйилган сайёр қабулда кўриб чиқилган жами 29 та муносабатнинг 12 (!) таси Бекобод шаҳридаги тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларидаги турли камчилик ва муаммоларга тааллуқли бўлган. Тўғри, уларнинг бир-иккитасини нари борса, вилоят даражасида ҳал қилинадиган нуқсонлар, дейиш мумкин. Аммо, қолган муносабатлар шаҳар ҳокимлиги ва тиббиёт бирлашмаси томонидан жойида

ҳал этиладиган оддий камчиликлар эди.

Жумладан, 11-даҳа, 27-уйда яшовчи Мунаввар Бобоева онаси сил касалига чалинган боис, бепул дори-дармон билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлса-да, шаҳар сил касалликлари диспансери дориларни бермаётганидан шикоят қилган эди. Маълумотда келтирилишича, шаҳар тиббиёт бирлашмаси бу масалани бир (!) кунда ҳал этган. Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: "Сил касалликлари диспансери, қолаверса, шаҳар тиббиёт бирлашмаси шундай жўн ишни нима учун Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ишга қўйилган сайёр қабулга олиб чиқилмасидан олдин ҳал этмади?"

Яна бир савол: "Шаҳар болалар юқумли касалликлар шифохонасида кўпдан бери давом

этиб келаётган ноҳуш санитария-эпидемиологик ҳолатга барҳам бериш ва мутасаддиларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш учун сайёр қабулни кўтиб ўтириш шартмиди? Фуқаро Кибрий Шокирова бу ҳақда аввал маҳаллий мутасаддиларга ҳам муносабат қилган-ку?"

Мухтасар айтганда, сайёр қабулда кўрилган бошқа муносабатларни ҳам аслида қабулхоналарга кўтариб чиқишга арзишмайдиган масалалар, дейиш мумкин. Хусусан, фуқаро Шоҳида Эшонқулваннинг табиий газдан қарзи бўлмас-да, хонадонини тармоқдан ноҳақ олиб кетишганини сайёр қабул жараёнида муҳокама қилиб, сўнг шаҳар прокуратурасини ишга солиб, хонадонни газ тармоғига қайта улаш ва "Бекободшаҳаргаз" филиалининг уч масъул ходимини ишдан бўшатиш каби "ўйин"лар кимга керак?..

Хуллас, саволлар кўп ва, бизнингча, улар асосли. Бундай ўринли эътирозлар янада қўлайиб кетмаслиги учун, юқорида таъкидланганимиздек, куйи бўғин раҳбарлари эгаллаб турган мансаб лавозимлари талабидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашда амалдаги қўнларда белгиланган тартибларга оғишмай риоя этишга одатланишлари зарур. Шунда аҳолининг республика Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига арзимас масалалар билан муносабатлари камайиб боради.

Абдусамод Йўлдошев,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

## Истеъмолчи бурчаги

Хозирда ўз маҳсулотларини мавсумий ходимларни ёллаш орқали уйма-уй юриб сотишни йўлга қўйган тадбиркорлар ва фирмалар кўпайиб кетди. Аслида бунинг ёмон томони йўқ. Бундай иш услуби хонадон соҳибларини ортиқча овозгарчиликлардан ҳалос этади, вақтини тежайди, оиласи, рўзғори учун зарур бўлган буюмларни жойида харид қилишда қўл келади.

## ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ПАНД ЭМАЙДИ

Аммо, бундай тадбиркорларнинг орасида шундай "устомон"лари ҳам борки, улар хариддорларга синовдан ўтмаган ёки сифати фаолатланмаган маҳсулотларини сотиш пайида бўладилар. Кўпчилик истеъмолчилар эса уларнинг нархи арзонлигига қизиқиб харид қилишади.

Қашқадарёлик Нормурод Нуралиев билан яқинда шундай ҳолат юз берди. У юридик манзили Зангиота туманида бўлган яқна тиббиётдаги тадбиркор сифатида фаолият юритувчи "Барганов", деб номланган фирмани рўзғори учун яхши ният билан электр чойнак, соч куригич ва уқалаш мосламасини сотиб олган.

Афсуски, унинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Сабаби, 300 минг сўмга харид қилинган ушбу маиший хизмат буюмларининг бирортаси ҳам кўнгилдагидек ишламади. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, улар техник жиҳатдан умуман носоз эканлиги маълум бўлди.

Натижада, Н. Нуралиев ўзининг истеъмолчи сифатида бузилган ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўраб Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига федерацияга муносабат этишга мажбур бўлди.

Истеъмолчининг муносабати ҳамиятимиз томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди, - дейди федерациянинг вилоят ҳудудий бирлашмаси мутахассиси Б. Қувондиқов. - Ўрганиш натижалари ҳақиқатан ҳам фуқаро Н. Нуралиев сотиб олган ушбу маиший хизмат буюмлари учун тўланган харид чеки ёлланган ходим Ф. Рўзиев томонидан Зангиота туманидан рўйхатдан ўтган яқна тиббиётдаги тадбиркор "Барганов"га тегишли бўлган тўлов термини орқали амалга оширилганини кўрсатди. Шу тариқа тегишли тартибда истеъмолчига ушбу носоз буюмларнинг хариди учун сарфланган пул маблағи тўлалигича ундириб берилди ва муносабат қаноатлантирилди.

Албатта, федерация томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида юқоридаги каби ҳолатларга барҳам берилмоқда. Лекин, айни пайтда шуни ҳам айтиб ўтиш ўринли бўладики, ҳар биримиз истеъмолчининг сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни билишимиз, харид қилинаётган маҳсулотларнинг тегишли ҳужжатлари, қафолатлари, сифатини текшириш олиши ҳам ўрганишимиз керак. Бу юқоридаги каби сингари овозгарчиликларнинг олдини олиш билан бирга аҳолидан тушаётган муносабатларнинг камайишига, мавжуд муаммоларнинг ўз вақтида ечим топишига хизмат қилади.

Юлдухон МУХИДИНОВА,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

## Дарвоқе...

"Сибирь" сўзининг келиб чиқишини биласиз-ми? "Бу Россиядаги жой номи, бунинг устига русча сўз бўлса, биз қайқдан билардик", деб хулоса чиқаришга шошилманг. Охангаронлик олим Исомиддин Ерматовнинг яқинда чоп этилган "Охангарон водийси жой номиларининг изоҳли луғати" китобининг 6-бетида куйидаги маълумот берилган: "Охангарон водийсининг тоғли қишлоқларида кексалар нутқида қўлланиладиган "шибир" деган сўз мавжуд. У тоғнинг қори изоҳ ойнага бориб эрийдиган баланд қисмидаги балчиқ ва ўтлоқ бўлиб, шўрроқ сув сизиб чиққан жойга айтади. Фикримизнинг далили учун 1977 йилда қорабовлик 72 ёшли Жумахон ая Бекмуротовдан ёзиб олганимиз - ўланлардан бирини келтираемиз:

Шибирболчиқ, арипдеш, шибирболчиқ,  
Мен бир ўлан айтгани, қумардан чиқ.

# ЭЛНИНГ АЙТГАНИ — ЭЛАҚДАН ЎТГАНИ

Аждодларимиз Урол ва Ёйиқ дарёларидан (хозирги Россиянинг Урал минтақаси ва Яйиқ дарёси - изоҳ К. Одинаевники) Шарқдаги бепоя кенгликларни "Шибир" деган умумий ном билан атаганлар. XVII асрда атаман Ермак бошчилигида у ерларни эгаллаб олган рус князлари расмий ҳужжатларига "Сибир" деб ёздилар. Шунингдек, "Водий" билан "Воҳа"нинг фарқи борамиз-ми? Бу саволга ҳам шу китобнинг 4-бетида жавоб топамиз: "Водий" сўзига "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да берилган куйидаги таърифи келтириш ўринлидир: "1. Дарё бўйлаб чўзилган ёки тоғ ораллигидан кенг текислик. 2. Умуман, экин экиладиган обод ер". Гап шундаки, баъзи газетажурнал ва илмий тўпламлар мақолаларида "водий" сўзи ўрнига "Охан-



гарон воҳаси", деган бирикма нотўғри ишлатилмоқда. Воҳа - водий тоғлари тугайдиган жойдан бошланадиган текислик. Айтилган, "Тошкент воҳаси" дейилганда Чирчиқ водийсининг этагидан Сирдарёгача чўзилган кенг ва торсиз майдонни англаймиз. Шу боис ундан икки қисмини тоғ ва тоғлар ораллиқлари қоплаган "Тошкент вилояти" деган маъмурий-ҳуқуқий тушунчани ифодалаш мақсадида "Тошкент воҳаси" бирикмасини қўллаш ҳам маъно бўлишига олиб келади.



довонини тез-тез тилга оламиз. Ҳўш, бу сўзнинг асл маъноси нима? Бу ҳақда китобнинг 52-бетида шундай маълумот бор: "Камчиқ" деган сўз ўзбек адабий тилида ҳам, унинг шеваларида ҳам мавжуд эмас. "Кемшиқ" деган курамача (адабий тилда "кемтик") сўзнинг рус геодезистлари "Камчиқ" шаклида бузиб ёзиши оқибатида пайдо бўлган... Бирорта тиши туши қолган одамга ҳозир ҳам "кемшиқ" деган лақабни қўллайдилар. Маҳаллий ўланчилар анча йиллар аввал мана бун-

## «ЯНГИ ҲАЁТ»ЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ ҲОКИМДАН УМИДИ КАТТА

Бекободда янги иш бошлаган шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев ҳудуддаги "Янги ҳаёт" маҳалласида бўлиб ўтган очиқ мулоқотда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

## Бизга ёзадилар

Мазкур маҳаллада масалаларнинг ечимлаётгани аҳолининг ҳақиқат ва ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Жумладан, электр энергия ва ичимлик суви таъминотидаги камчиликларга барҳам бериш, ички йўллارни таъмирлаш, янги мактаб ва боғча биноларини қуриш ишлари орта суриляпти. Тадбирда шаҳар халқ таълими бўлими, "Бекобод электр тармоқлари" корхонаси раҳбарлари Б. Курбонов, Ж.Рахимов, "Бекободгаз" корхонаси бош инженери Ж. Насриддинов ва бошқалар мулоқотда кўриб чиқилган масалалар ечимини ҳақида сўз юритди.

Шаҳардаги Юлдуз, Адолат ва Саховат кўчаларида истикомат қилувчи Рустам Топшўлатов, Аҳмаджон Рустамов, Сур-

манисо Рустамова ва бошқаларнинг тадбиркорлик соҳаси, йўл қурилиши, транспорт қатновини бўйича берган саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Яқинда ҳудудларга бириктирилган ҳокимлик вакили ва шаҳар кенгаши депутатининг ўзaro маълумотлар алмашинувини йўлга қўйишга келишиб олинди. Кўтарилган масалалар ечимига қаратилган тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси қатъий назоратга олинини таъкидланди.

У. АБДУНАЗАРОВ,  
ХДП Бекобод шаҳар кенгаши раиси.



гарон воҳаси", деган бирикма нотўғри ишлатилмоқда. Воҳа - водий тоғлари тугайдиган жойдан бошланадиган текислик. Айтилган, "Тошкент воҳаси" дейилганда Чирчиқ водийсининг этагидан Сирдарёгача чўзилган кенг ва торсиз майдонни англаймиз. Шу боис ундан икки қисмини тоғ ва тоғлар ораллиқлари қоплаган "Тошкент вилояти" деган маъмурий-ҳуқуқий тушунчани ифодалаш мақсадида "Тошкент воҳаси" бирикмасини қўллаш ҳам маъно бўлишига олиб келади.

## ДАРОМАДИНГИЗГА ЎТ ҚЎЙМАНГ

Шу кунларда вилоятимиз далаларида халқимизнинг ризқ-рўзи, фаровонлиги манбаи бўлган галла ўрими-ийғими ҳал қилувчи паллада давом этмоқда. Галлакорларимиз етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун ушқорқлик билан меҳнат қилаёттир.

## Уққанга балли

Бирок, аввалгидек оммавий бўлмасида, ҳалихануз галладан бўшаган майдонлардаги сомон қолдиқларини ёки юбориш ҳоллари кузатишмоқда. Бу ярамас одатнинг ери абор қилиши, ҳавони бузишини қўя турайлик, нақд даромадга ўт қўйишнинг ўзгинаси-ку!

Таъкидлаш жоизки, сомон ёқилиши натижасида тупроқ структураси бузилиши, яъни ернинг унумдор қатлами куйиши, эрозия ҳолати кучайиши оқибатида экинлар ривожланиши учун зарур бўлган микроорганлизм ва мазданларнинг хусусияти йўқолади. Бу,

ўз навбатида, келаси йил ҳосилга салбий таъсир ўтказиш билан бирга, атмосфера ҳавосининг заҳарли газлар билан ифлослишига сабаб бўлади, шунингдек, ернинг балл бонитети пасайишига олиб келади.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, сомон ёқилиши Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддаси, "Ер кодекси"нинг 40-моддаси талабларининг бузилишидир. Бунинг учун

## «101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ»

Вилоятимиз ҳудудида 3-9 июль кунлари 42 та ёнғин қайд этилди. Уларнинг 20 таси аҳоли уйларига тўғри келади. Ёнғин сабаблари ўрганилганда, 5 таси электр симларининг қисқа туташуви, 11 таси болалар шўхлиги, 26 таси оловдан эҳтибсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Ёнғинлар профилактикаси куни", деб белгилангани муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунириш ишлари янада кенг қўламада ўтказилмоқда.

Хурматли фуқаролар! Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

Тошкент вилояти ИИБ БҲБ.



гарон воҳаси", деган бирикма нотўғри ишлатилмоқда. Воҳа - водий тоғлари тугайдиган жойдан бошланадиган текислик. Айтилган, "Тошкент воҳаси" дейилганда Чирчиқ водийсининг этагидан Сирдарёгача чўзилган кенг ва торсиз майдонни англаймиз. Шу боис ундан икки қисмини тоғ ва тоғлар ораллиқлари қоплаган "Тошкент вилояти" деган маъмурий-ҳуқуқий тушунчани ифодалаш мақсадида "Тошкент воҳаси" бирикмасини қўллаш ҳам маъно бўлишига олиб келади.

## ДУҚ «СУВСОЗ» ҚОШИДАГИ «MUSAFFO OBI HAYOT» МҶЗ

Тошкент вилоятининг Кибрай ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик суви билан истеъмол қилаётган аҳолиларга 2017 йил 26 июлдан бошлаб ичимлик суви ва оқова сувларининг ягона нархлари куйидагича белгиланади:

АҲОЛИ УЧУН:  
Ичимлик суви 1 м. куб – 264,00 сўм  
Оқова хизмати 1 м. куб – 177,00 сўм

ЮРИДИК КОРХОНАЛАР УЧУН:  
Ичимлик суви 1 м.куб – 807,00 сўм (+20% ҚҚС)  
Оқова хизмати 1 м.куб – 357,00 сўм (+20% ҚҚС)

БОШҚА УЛГҲРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР:  
Ичимлик суви 1 м.куб – 264,00 сўм (+20% ҚҚС)  
Оқова хизмати 1 м.куб – 177,00 сўм (+20% ҚҚС)

БЮДЖЕТ КОРХОНАЛАР УЧУН:  
Ичимлик суви 1 м.куб – 264,00 сўм (+20% ҚҚС)  
Оқова хизмати 1 м.куб – 177,00 сўм (+20% ҚҚС)

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 12 июль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Фардан секундига 5-10 метр тезликда эсаётган шамол секундига 12-17 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 21-23, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятда ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Фардан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 20-25, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиб, момақалдиқроқ бўлиши мумкин. Фардан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 11-16, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2017 йил 5 июль кунигадаги 54 (13002) сонида "КО'СНМАС МУЛК SAVDO XIZMATI" МҶЗ Тошкент шаҳар филиали томонидан чоп этилган эълоннинг "закалат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи" жумласи кейинги ўринларда: "закалат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизи", деб ўқилсин.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти шуни маълум қилади: Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган "Шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўналишларида йўловчилар ташини ташкил этиш комиссияси тўғрисида" намунавий Низомининг 7-банди талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларида йўловчилар ташини ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2017 йил 26 июль куни ўтказилиши белгиланган очиқ тендер савдоларига қўйилган йўналишлар рўйхатига қўшимча равишда киритилган, ВХ-364 й.т. "Янгибозор АШБ - Ўртасарой қўргони" йўналиши бўйича ўтказилган тендер савдолари 2017 йил август ойига қўйилди. Ушбу йўналиш бўйича тендер савдолари ўтказиш муддати бўйича қўшимча равишда эълон берилди.

